ЛЕНИН КОМСОМОЛИГА ШОН - ШАРАФЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 207 (6325).

25 ОКТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛАДИ.

БАРЧА КОМСОМОЛ-ЁШЛАРНИ ШОНЛИ АЙЁМ БИЛАН ЧИН ҚАЛБДАН ҚУТЛАЙМИЗ.

КОММУНИЗМ БУНЕДКОРЛАРИ

— ЯШАСИН КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИСИ ВА ЖАНГОВАР РЕЗЕРВИ, КОММУНИЗМ ЁШ БИНОКОРЛАРИНИНГ ИЛҒОР ОТРЯДИ — ЛЕНИН КОМСОМОЛИ!

Бугунги кунда бу чақириқ бепоён мамлакатимизнинг ҳамма ерида жаранглаб эшитилмоқда, кўча ва бинолар пештоқларини, қизил алвонларни безамоқда. Бу ўзининг 60 йиллик улуғ тўйини нишонлаётган ленинчи шонли ёш авлодимиз улкан хизматларининг умумхалқ эътирофидир. Зеро, Бутуниттифоқ ленинчи Коммунистик ёшлар союзининг тарихи жонажон партиямиз тарихи билан, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлиларининг тарихи билан чамбарчас боғланган. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъриф бериб айтганидек, «партия билан комсомолнинг мақсади битта, у ҳам бўлса — коммунизмдир, уларнинг йўли ҳам битта— бу Ленин йўлидир, халққа хизмат қилиш йўлидир».

Комсомолнинг 60 йил давомида амалга оширган шонли ишларига назар ташлар эканмиз, у ленинчи ёшлар союзи деган юксак номни муносиб равишда оқлаётганлигини кўрамиз. Комсомолнинг қаҳрамонона тарихини унинг байроғини безаган олти орден ҳам намойиш этади.

Комсомол давримизнинг қайноқ қалби, жўшқин юраги бўлиб қолди. Унинг шижоати, бунёдкорлик қудрати, яратувчилик иштиҳаси синовдан ўтмаган соҳа йўқ. Қаердаки оташин қалб, сничков ақл, зўр ғайрат ва ташаббус зарур бўлса комсомоллар ўша ерда тайёр турибдилар. Номлари шараф билан қоплланган Николай Островский, Абдулла Набиев, Вальдемар Шаландин, Елена Стемпковская, Қудрат Суюновлар эстафетасини муносиб давом эттираётган авлод жамиятимиз фахри, ғурури бўлиб қолди.

ВЛКСМнинг йирик, содиқ ва жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон, шу жумладан областимиз комсомоли республикамиз ривожинида ҳамма босқичларида ҳамиша Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси, ёшлар кенг оммасининг авангарди ва ташкилотчиси бўлишдан иборат ўз ролини муносиб равишда бажариб келмоқда. Республикамиз ва областимиз ёшлари комсомолнинг 60 йиллик тўйини меҳнатда, ўқишда, ҳарбий бурчни ўташда ажойиб зафарлар билан кутиб олмоқдалар. Бугун айни шу кунларда «Ленин васиятларига содиқмиз» шиори остида ўтказилаётган комсомол йиғилишлари ҳам кўрсатиб турибди. Бу йиғилишларда ёшларимиз ҳар бир комсомол ташкилотининг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, ўнинчи беш йиллик планларини бажариш соҳасидаги ҳиссасини таҳлил қилмоқдалар. Бу ҳисса эса ҳар қачонгидан салмоқли. Йигит ва қизларимиз беш йилликнинг зарбдор йилида ижодий ташаббускорлик ва дадил ночин кўрсатиб ишламоқдалар, юксак унум билан меҳнат қилиш намуналарини намойиш қилмоқдалар. «Ёшларнинг ғайрат-шижоати ва ижодкорлиги — самарадорлик ва сифат беш йиллигига!» шиори остидаги ватанпарварлик ҳаракати ҳамма жойда кенгайиб, ривожланиб кетди. Областимиз бўйича сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг учдан бири комсомоллар оталигидадир. Ҳозир 2300 сифат постлари ишлаб турибди. Комсомол ташкилотлари ҳар бир ёшнинг чуқур билимли, ўз касбининг устаси бўлиши учун жуда кўп тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Зарбдор комсомол ишларининг меҳнат йилномасига янги ёрқин саҳифалар битилмоқда. Асримизнинг улкан қурилиши Байкал-Амур магистрали бунёдкорлари, РСФСРнинг ноқоратупроқ ерларини ўзлаштираётганлар сафида ҳамюртларимиз борлиги билан фахрланамиз. Юбилей арафасида эълон қилинган комсомол чақириғи билан ватанпарварларнинг яна катта группаси Ноқоратупроқ зонани ўзлаштирувчилар ёнига отланмоқда. Янги Ангрен ГРЭси, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли капролактам қурилиши, Тошкент метрополитени, Ўрта Осиё—Марказ газ қувури, замонавий азим корхоналар, ноёб ирригация иншоотлари қурилишлари ва уларни ишга туширишда комсомол ҳар қачонгидан ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 2,5 мингдан зиёд ёшлар комсомол йўлланмаси билан зарбдор қурилишларга борган эди. Областимиз комсомол ташкилотлари 45 та энг муҳим халқ хўжалик объектларини ўз оталиқларига олишган. Айниқса, Бекобод металлургия комбинатини реконструкция қилишда «Металлург» комсомол эшелонлари салмоқли ишлар қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маккажўхори етиштириш ва механизатор кадрлар тайёрлаш устидан оталиқ қилиш тўғрисидаги топшириғи ҳам жанговар программа сифатида муваффақиятли бажарилмоқда. Республика йигит ва қизларининг бу соҳадаги ватанпарварлик ишларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев юксак баҳолади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бундай баҳоси, самимий, сидқидил табриклари ёшларимизни, Ўзбекистонининг барча меҳнаткашларини маккажўхори етиштиришни кескин кўпайтириш ва механизатор кадрларни кенг миқёсда тайёрлашга руҳлантирди. Комсомоллар пахтачиликни комплекс механизациялаш байроқдорлари сифатида «оқ олтин» етиштиришни кўпайтиришга бебаҳо ҳисса қўшмоқдалар. Студентлар ва мактаб ўқувчилари ҳозирги масъулиятли дамларда комсомол шанбаликларида қатнашиб, қишлоқ хўжалиги ишларида уюшқоқлик, фидоийлик сингари фазилатларини яна бир бор намойиш этмоқдалар, 5 миллион 700 минг тонналик Ўзбекистон пахта хирмонини ийиш учун умумхалқ кураши қатнашчиларининг олдинги сафларида бормоқдалар.

СССР янги Конституцияси етук социализм шароитида хўжалик, давлат ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида комсомолнинг роли ошаётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. ВЛКСМ сафлари кенгайиб, унинг вазифалари мураккаблашди, амалий фаолият миқёслари ҳам ўсди. Ёшлар маҳаллий Советлар, турли жамоат ташкилотларига дадиллик билан, кенгроқ жалб қилинадиган бўлиб қолди.

Коммунистик қурилишнинг тобора кенгайиб бораётган кўламлари комсомол олдига ёш авлодда илмий дунёқарашни шакллантириш, актив ҳаётий позицияни, синфий онгни, буржуазия идеологиясига нисбатан муросасизликни, Ленин партияси билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига садоқатни ҳосил қилишдек олийжаноб ишда тағин ҳам масъулиятлироқ вазифаларни қўймоқда.

Шубҳа йўқки, комсомоллар, барча ёшлар Ленин йўлидан дадил олға боравередилар, мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда бундан буён ҳам актив ижодкор куч бўлиб қоладилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИ С. ВЭНСНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 23 октябрь куни Кремлда АҚШ давлат секретари С. Вэнсни қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Суҳбат чоғида СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида битим имзолашга тааллуқли масалаларни муҳокама қилишга асосий эътибор берилди. Ҳар икки томон Москвада шу масалалар юзасидан бўлиб ўтган музокараларнинг фойдали ва амалий эканлигини қайд этиб, битимнинг тез имзоланишини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни сарфлашга ва бу муҳим ишни пировардига етказишга аҳд қилганлигини билдирди.

Иккала томон қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланишнинг бошқа масалалари юзасидан конкрет аҳдномаларга эришиш мақсадида шу масалалар борасида ўтказилаётган музокараларда силжишга эришишга кўмаклашиш ниятида эканлигини ҳам изҳор этди.

Л. И. Брежнев кейинги вақтларда Совет —Америка муносабатларида пайдо бўлган салбий моментларга эътиборни қаратиб, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни тенглаштириб олиш, шу муносабатларнинг муттасил ривожланишини таъминлаш иккала мамлакат халқларининг манфаатларига, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш мақсадларига мос бўлиб тушшур эди, деб таъкидлади.

Суҳбатда Совет томонидан — СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бош штабининг бошлиғи Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров; Америка томонидан—АҚШнинг қуролсизланиш ва қурол-яроғлар устидан контроллик қилиш агентлиги директори П. Уорнке, АҚШнинг СССРдаги элчиси М. Тун ҳам иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1979 ЙИЛГИ БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда қайд этилишича, Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси маҳаллий партия ва совет органларининг актив ёрдами билан Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини ўтказишга тайёргарлик кўриш соҳасида катта иш қилмоқда. Рўйхатга олишни ўтказишнинг ташкилий планлари тузилди ва тасдиқланди. Статистика органларининг раҳбар ходимлари махсус курсларда ўқитилди, тегишли кадрлар танланмоқда ва тайёрланмоқда. Рўйхатга олиш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида оммавий-тушунтириш ишлари кучайтириб юборилди. Шаҳарлардаги аҳоли яшайдиган жойларнинг рўйхати ва чегаралари асосан аниқланди, кўчаларнинг номлари, ҳовли-жой ва квартираларнинг номерацияси тартибга солинди, аҳолини жорий ҳисобга олишнинг тўлалиги ва тўғрилиги текшириб кўрилди. Зарур картография материали тайёрланди, ҳонадонлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг рўйхатлари солиштириб кўрилди.

Аҳолини рўйхатга оладиган ходимларнинг нормал ишлаши ва рўйхатга олиш материалларини сақлаш учун бинолар, ускуналар ажратилмоқда, транспорт ва алоқа таъминоти масалалари ҳал қилинмоқда. Маҳаллий статистика органлари рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатлар ва воситалар билан тўлиқ таъминланди.

Ҳамма жойда тузилган аҳолини рўйхатга олишга кўмаклашувчи комиссиялар тайёргарлик тадбирларини амалга оширишда зарур ёрдам бермоқдалар. Республиканинг бориш қийин бўлган районларида аҳолини рўйхатга олиш муддатидан илгари тугалланди.

Шу билан бирга Марказий статистика бошқармаси органларининг Умумдавлат аҳамиятига молик бўлган ана шу муҳим тадбирга тайёргарлик кўриш соҳасидаги ишида камчилик ва нуқсонлар бор. Чунончи, рўйхатга олиш иши билан шуғулланувчи асосий кадрлар-инструктор-контролёрлар ва ҳисобчиларни танлаш ва тасдиқлаш иши сust олиб борилмоқда. Рўйхатга олувчи ходимларни ажратишга юзаки ёндошиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Ўтказиладиган аҳоли рўйхатининг вазифалари ва мақсадлари тўғрисида аҳоли ўртасида оммавий-тушунтириш ишлари ҳамма жойда ҳам актив равишда олиб борилаяпти деб бўлмайди.

Айрим халқ депутатлари советларининг ижроия комитетлари ва уларнинг коммунал уй-жой хизмати бўлимлари, аҳоли рўйхатига кўмаклашувчи комиссиялар шаҳарлардаги аҳоли яшайдиган жойларнинг кўча хўжалигида мунтазам равишда тартиб сақланишини сust кузатмоқдалар. Кўчаларнинг номларини тартибга солиш, уйлар ва квартираларни номерлаш ишлари ҳали тугалланган йўқ. Бир қанча жойларда картография материаллари сифатсиз бажарилган. Баъзи районларда ва шаҳарларда рўйхатга олиш бўлимлари, участкаларнинг инструкторлари жиҳозланган бинолар, транспорт ва телефон алоқаси билан таъминланмаган.

Паспорт режимига риоя қилиш, туғилганлар ва вафот этганларнинг рўйхатларини тўла қайд этиш соҳасидаги бузилишлар бартараф этилмаган, бунинг оқибатида аҳолининг механик ва табиий ҳаракатини ҳисобга олишда ноаниқликларга йўл қўйилмоқда. Фарғона, Тошкент областларида ва Қорақалпоғистон АССРда ана шундай фактлар мавжуд.

Область, шаҳар, район партия комитетлари ва маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари рўйхатга тайёргарлик кўришга ҳали етарлича эътибор бермяяптилар, топширилган иш учун масъул бўлган ходимларга нисбатан зарур талабчанлик қилмаётирлар, меҳнат коллективларида ва гражданларнинг истиқомат жойларида оммавий-сиёсий ишлари сust олиб борилмоқдалар, бўлажак рўйхатнинг аҳамиятини тушинтириш учун лекция пропагандасидан, оммавий ахборот воситаларидан тўлиқ фойдаланмаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар ва район партия комитетларига аҳоли рўйхатига тайёргарликнинг бориши устидан контролликни кучайтириш, рўйхат ходимларини ўз вақтида ва сифатли танлаш, тасдиқлаш ва ўргатишга асосий эътиборни қаратиш мажбуриятини юклади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия комитетларига аҳоли ўртасида, хусусан истиқомат жойларида рўйхатнинг мақсад ва вазифалари, унинг сиёсий ва халқ хўжалик аҳамияти тўғрисида оммавий тушинтириш ишларини яхшилаш чораларини кўриш, бунинг учун лекциялар, суҳбатлардан, матбуот, радио, телевидениедан шунингдек виставкалар, витриналар, стендлардан ҳамда кўргазмали агитациянинг бошқа шаклларидан кенг фойдаланишни топширди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари, шунингдек маданий оқартув муассасаларининг ходимлари, «Билим» жамиятининг аъзолари ва партия совет активлари кенг кўламда мана шу тадбирларда актив иштирок этишга жалб қилинсин.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар советининг ижроия комитетларига Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини ўтказишга тайёргарликнинг аҳволи қандай эканлигини ҳар бир район, шаҳар бўйича 1978 йил 15 ноябрга бўлган муддат ичида кўриб чиқиб, шу ишдаги камчиликларни бартараф этиш борасида зарур чораларни кўриш таклиф этилди. Рўйхат кадрларини танлаш ва тасдиқлаш белгиланган муддатгача тугаллансин, рўйхатга олишни ўргатиш, тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтида улар асосий иш жойларидан ўз вақтида озод қилинсин. Шу йил ноябрь ойи мобайнида шаҳарда истиқомат қилувчи кишиларнинг адресларини тартибга солиш ишлари бажарилсин. Янги қурилган уй-жойлар мавжудлиги ва эски хонадонлар бузилганлиги муносабати билан шаҳарларнинг схематик планлари узил-кесил аниқлансин. Рўйхатга олишга кўмаклашувчи комиссияларнинг фаолиятини активлаштириш, рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш тадбирларини ўтказишга ва оммавий тушинтириш ишларига уларни кенг жалб этиш лозим. Қарорда таъкидланадики, шу йил 1 декабргача ҳамма жойда рўйхат олиш бўлимлари ва инструкторлик участкаларини зарур мебели ва телефон алоқаси бўлган бинолар билан таъминлаш, шунингдек улар учун рўйхатни ўтказиш ва бу ишнинг кузатиб чиқиш даврида уларга транспорт воситаларини ажратиб бериш керак.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетига, республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, УзТАГга Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларини мунтазам ёритиш таклиф этилди.

ЗАРБДОР ЙИЛ ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон ССР саноатининг 1978 йил тўққиз ойлик давлат планини бажариш якунлари тўғрисида

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Республика саноати ходимлари СССР ва Ўзбекистон ССР янги Конституциялари қабул қилинганлигининг бир йиллигини, Улуғ Октябрнинг 61 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили тўққиз ойлик планини муваффақиятли бажардилар.

Пландан ташқари 207,3 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,0 процент бўлди. Меҳнат унумдорлиги 1,9 процент ўсди.

Қора металлургия, химия ва нефть химияси саноати, машинасозлик ва металл ишлаш, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати, ойна ва чинни-фаянс саноати, бинокорлик материаллари саноати илдам суръатлар билан ривожланди.

Кўмир саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати янада ривож топди.

Қуйидаги маълумотлар айрим министрликлар ва идоралар бўйича маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилишини, ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини кўрсатиб турибди:

	Маҳсулотни реализация қилиш тўққиз ойлик планининг процента	1977 йилнинг тўққиз ойига нисбатан 1978 йилнинг тўққиз ойида, процент ҳисобида	
		ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Умумиттифоқ министрликлари			
Газ саноати	98	99,5	96
Нефть саноати	104	95	97
Кўмир саноати	103	100,2	98
Химия саноати	102	111	111
Электротехника саноати	102	101	102
Химия ва нефть машинасозлиги	102	106	104
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	103	106	103
Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	100,6	106	105
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги	100,3	94	92
Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари	99,3	109	111
Целлюлоза-қоғоз саноати	104	101	102
Микробиология саноати бош бошқармаси	103	107	107
Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари			
СССР Қора металлургияси	101	106	98
СССР Рангли металлургияси	100,4	99,9	100,5
СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати	99,9	103	102
Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати	103	111	109

(Давоми 3-бетда).

„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан, бир кунда машинада терилгани — бешинчи устун — мавсум бошидан буён).

ҒАЛАБА	0,30	102,42	—	100,85
Бўка	1,60	84,51	1,75	83,63
Ўрта Чирчиқ	1,36	83,40	0,91	88,49
Янгийўл	1,06	83,03	1,17	78,23
Коммунистик	1,01	82,39	0,97	86,79
Бекобод	1,38	76,96	1,36	71,90
Чиноз	1,67	73,78	2,06	65,84
Пискент	1,40	64,44	1,42	53,97
Оққўрғон	1,10	60,58	0,84	54,72
Область бўйича:	1,20	79,31	1,29	76,13

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Александр Степанович **Абдалиннинг** узоқ давом этган касалликдан сўнг 1978 йил 28 октябрда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ЁРДАМЧИСИ

Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоз комсомол ёшлари пахта йиғим-теримида актив иштирок этмоқдалар. Ёш механизатор Маҳмуд Ўринбоев мавсумда 260 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган. У ўз сўзининг устидан чиқиб, комсомолнинг 60 йиллигига муносиб совға тайёрламоқда. Суратларда: илғор механизатор Маҳмуд Ўринбоев ва терилган ҳосилни кўриб турибсиз.

А. Мальцев фотолари.

ЁШЛИК ШИЖОАТИ

ЛЕНИН комсомоли туғилган кунга 60 йил тўлаяпти. Бу йилларда комсомол шонли йўлни босиб ўтди. Совет давлатини бунёд этиш ва мустаҳкамлаш, индустриалштириш, коллективлаштириш, маданий инқилоб, Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги тиклаш йиллари... Ленинчилар йилномаси шонли саҳифаларга тўла. Ўтган даврда у мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатди. 70-йиллар комсомоллари ҳам оталар анъаналарига содиқ қолиб, зафарли йўлни давом эттирмоқдалар.

РАЙОНИМИЗНИНГ 8 мингга яқин ленинчи комсомоллари шонли санани зўр муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Улар КПСС XXV съезди ва ВЛКСМ XVIII съезди қарорларини амалга оширыш учун билим ва тажрибалари; куч-ғайратларини ишга солмоқдалар. Ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, маҳорати ва изланиши — беш йилликка» ватанпарварлик ҳаракатида минглаб йигит-қизлар иштирок этишяпти.

Районимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йилида зафар кетидан зафар қучмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш планлари зиёдаси билан адо этилди. Давлатга шу кунгача 86 минг тоннага яқин сабзавот, 13 минг 700 тонна картошка, 8 минг 100 тонна мева, 6 минг 14 тонна узум топширилди. Улкан маррани забт этишда комсомол-ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бордир. Улар қолган ҳосилни ҳам нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш учун социалистик мусобақани кундан-кунга қизитиб бормоқдалар.

Бу йил пахта майдонларида жуда қийин чиликлар рўй берди. Не-не машаққатлар билан катта хирмонга яраша замин тайёрланди. Вақт етилган ҳосилни қисқа муддатларда териб олишни тақозо қилмоқда. Буни яхши тушунган районимиз комсомол-ёшлари Оққўрғон ва Ғалаба районлари пахта далаларида зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаати уларни янги ютуқларга илҳомлантириб юборди.

Комсомол-ёшларимиз бу йил 550 гектар майдонга «қахрабо дон» экиб улкан хирмон уйдилар. Ун кун ичида барча ҳосил йиғиб-териб олинди. Давлатга плондаги 320 тонна ўрнига 366 тонна мақка дони топширилди. Ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан 75,3 центнердан «қахрабо дон» олинди. Маккажўхорикорларимиз юксак натижалари билан ўзларининг комсомолга хос меҳнатсеварликларини намойиш этдилар. Навоий номли колхозда М. Қораболев, Ильич номли хўжаликда Т. Аҳроров, генерал Собир Раҳимов номли қишлоқ хўжалик артелидан Т. Еқубов, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан Э. Абдуллаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари ҳар гектар ердан 80—100 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олдилар.

Кўплаб комсомол-ёшлар ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик топшириқларини шараф билан адо этдилар. Навоий номли колхознинг сут соғувчиси, ВЛКСМ XVIII съезднинг делегати, «Ҳурмат белгиси» орденли В. Шобобоева, шу колхознинг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Т. Алимов, Ильич номли колхозидан С. Сайдаҳмедов, «Ленин йўли» колхозидан Ҳ. Йўлдошев ва бошқа комсомол-ёшлар 1979 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Районимиз комсомол-ёшлари деҳқончилик маданиятини юксалтириш учун курашда ҳам актив иштирок этишяпти. Ўтган йили иккита механизациялаштирилган норядсиз звено ташкил этилган эди. Бу комсомол-ёшлар звенолари прогрессив метод асосида иш олиб бориб, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Чорвачилик фермаларидаги еттита комсомол-ёшлар звеноси ВЛКСМ Марказий Комитети эълон қилган ишлаб чиқариш маданияти ва меҳнат шароитини яхшилаш учун Бутуниттифоқ кўригига қўшилган эди. Комсомол йўлланмаси билан кейинги икки йилда 52 йигит-қиз чорвачилик фермаларига боришди.

Ёш чорвадорлар социалистик мусобақани кенг авж олдириб, довон ошмоқдалар. 1978 йилда ташкил қилинган 7 та комсомол-ёшлар чорвачилик звенолари коллективлари йиллик планларини сентябрь ойидаёқ муваффақият билан адо этдилар. 1978 йилда ушбу звеноларнинг соғиб олган сут миқдори 4791 тоннани ташкил этди.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири мустаҳкам ем-хашак базасини ташкил этишдир. Комсомол-ёшлар бу борада катта кўтаринки руҳ ва ташаббус билан ишламоқдалар. Ана шу мақсадда бу йил район бўйича 36 та ем-хашак тайёрлаш комсомол-ёшлар звеноларини ташкил этилган эди. Бу коллективлар 33 минг 150 тонна ҳар хил озуқа тайёрладилар. Қиш мавсумига тайёргарлик кўришда ҳам йигит ва қизларимиз ғайрат билан ишладилар.

Ёшларни коммунистик ғоявийлик, Ватанга садоқат, интернационализм руҳида тарбиялаш жамиятимиз нормалари ва маънавий бойликларини актив пропаганда қилиш комсомолнинг асосий вазифаси эканлиги КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтилган эди. Район комсомол комитети ёшларни марксча-ленинча дунёқараш руҳида, совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқда. Ленинча синов, ленинча ўқув, комсомол сиёсий маорифи, ёшлар лекторийлари, йигит-қизларнинг ғоявий чиниқиш ва камолат университетларига айланган. Ёшларни революцион жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш иши тубдан яхшиланиб бормоқда. Бошланғич комсомол ташкилотлари ёшларнинг турли қатламлари орасида тарбиявий ишни кучайтириб, уларни меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини беқиёс оширишга эришмоқда.

Ўтган йили комсомол сиёсий маорифи системасида 1482 йигит-қиз билим олди. Ишлаб чиқариш ташкилотларида 63 та сиёсий тўгарак ташкил қилинган. Ҳозирда ўн мингдан ортиқ комсомол-ёшларимиз Бутуниттифоқ ленинча синовида иштирок этмоқда.

Барча комсомол-ёшлар Ленин комсомолининг 60 йиллигини ишлаб чиқаришда, ўқишда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Улар ўзларининг шонли байрамларини янги шонлар эканлар, партия ишига чексиз садоқат билан хизмат қилажакларини, ғоявий-сиёсий жиҳатдан яна ҳам чиниқиб, комсомол номини доимо шараф билан оқлажакларини билдирмоқдалар.

Н. ЛУТФУЛЛАЕВ,
Тошкент район комсомол комитетининг биринчи секретари.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖОНКУЯРЛАРИ

КОЛХОЗИМИЗДА меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлардир. Кейинги икки йил давомида ўрта мактабни тамомлаган 40 га яқин йигит-қиз пахтакор ва чорвадорлар сафига қўшилди. Қишлоғимизда меҳнатдан бахт топган, обрў-эътибор қозонган кишилар оз эмас. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Мадраим Юнусов, Таласбой Ғазатов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Пўлат Тошхўжаев ва бошқа ветеранлар биз учун йўлчи юлдузидир. Улар ёшлар ҳузурида тез-тез бўлиб, ўзлари босиб ўтган шонли йўл тўғрисида ҳикоя қилиб беришади, тажрибаларини ўргатишади.

Ёшларимиз ветеранлар изидан бориб, ўз касбларини ўстаси бўлмоқдалар. Комсомолда тобланган Фахриддин Эгамбердиев бугун илғор звенога раҳбар. У қишлоқда қолиб ишлаш юзасидан ёшларга мурожаат билан чиққан эди. Ташаббускор йигитнинг даъватига кўпгина йигит-қизлар қўшилишди. Фахриддин олдин тракторчилар курсида ўқиди. Сўнг мустақил равишда агрегатларни бошқарди. Комсомолда чиниққач, партия аъзолигига қабул қилинди. Ишлаб чиқаришда эришган муваффақиятлари учун Бутуниттифоқ Ленин Комсомоли мукофотининг лауреати бўлди, республика комсомолининг съездида иштирок этди.

Сут соғувчилар Замира Раҳмонова, Галина Шаманина каби ёшлар ҳам ишлаб чиқаришда фаолдирлар. Улар йил сайин сут булоғини тошмоқдалар. Бундай илғорлар колхозимизда оз эмас. М. Ҳусанов, С. Тошпўлатов ҳозир звенога, Т. Умматов эса комсомол ёшлар мактабхўжорикорлик бригадасига раҳбарлик қилишяпти. Ёшларнинг фидокорона меҳнати билан халқ хўжалигининг барча соҳалари тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Ҳозирги кунда барчамизнинг эътиборимиз бир мақсадга — етиштиришга мўл пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишга қаратилган. Комсомол ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан комсомолларимиз теримда актив қатнашишга ваъда бердилар. Ҳозир улар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Очилаётган пахта пешма-пеш териб олинмоқда. Меҳнатда эришилаётган ютуқларимизни комсомолнинг шонли юбилейига бағишламоқдамиз.

И. ҲАТАМОВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози комсомол комитетининг секретари.

ВЕТЕРАН

КОЛХОЗ дала шийпони ён атрофдан келган ёшлар билан тўлди. Улар бугун ветеран комсомол, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишда ва босмачиларга қарши курашда актив иштирок этган коммунист Солиҳ Юнусов билан учрашгани келишган.

Солиҳ ака асли Тошкентнинг Қоратош маҳалласидан. Косиб оиласида дунёга келиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп татиган. Ёшлигида дурустроқ ўқий олмади. Октябрь инқилобидан кейингина илм сари кенг йўл очилди.

Ёш Солиҳ маҳаллада очилган янги мактабни тамомлаб, 1-босмахонедаги ҳарф терувчилар курсига кирди. Курсни тамомлаб шу корхонанинг ўзида ишда қолди. Айни пайтда комсомол ишларида ҳам актив қатнашиб, ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқди.

Уша кезларда совет ҳокимияти тўла ўрнатилган бўлсада аммо душманларнинг чекка-чеккадан ҳуружи тинмасди.

— 1929 йилнинг 18 февраль эди, — деб хотирлайди ветеран комсомол. — Ҳалқаро хотин-қизлар куни яқинлашиб қолганлиги муносабати билан эски шаҳар комсомол комитетида йиғилиш бўлди. Унда байрамни муносиб кутиб олиш ҳақида гап борди. Мажлисдан сўнг активлардан Фотима Содиқова билан Ҳикоят Ҳасанова Келес томонидаги «Ёнариқ» қишлоғига йўл олишди. Фотима илғорлари ҳам бу томонларда бўлиб, ерларни тақсимлашда иштирок этган эди. Ушанда Абдумавлонбойнинг ерлари ва қўрғони колхозга ўтказилган эди. Бой бундан ғазабланиб, Фотимани ўлдириш учун икки қонхўрни шайлаб қўйган экан. Қотиллар актив комсомолимизнинг жонига завол бўлди. Лекин улар халқ ғазабидан қочиб қутула олмади. Абдумавлонбой отилди, қонхўрлар Рўзимат Шералиев ва Хидирали Машариповлар устидан очиқ суд бўлиб узоқ муддатга қамоқ жазоси берилди.

Солиҳ Юнусов ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда актив бўлганлиги учун ҳам партия уни Самарқанд ва Тошкент областларида ишлаш учун юборди. У Булунғур, Ўрта Чирчиқ, Тўрақўрғон районлари комсомолларига етакчилик қилди. Улуғ Ватан уруши йилларида эса ҳаракатдаги армия сафида бўлиб душманга қарши жанглар олиб борди. Фронтдан қайтгач яна 1-босмахонада ишни давом эттирди. Бу ерда коммунистларга раҳбарлик қилди.

Комсомолда чиниққан, уруш оловларида пўлатдек тобланган, омма билан ишлаб катта тажриба орттирган коммунист Солиҳ ота ҳозир Кўқча маҳалла комитети раисининг ўринбосари, катта ва кичикнинг яқин маслаҳатчиси. У пиру-бадавлат отахон. Фарзандлари замонамизга муносиб кишилар бўлиб етишган. Биз бундай фидокор, ватанпарвар, халқпарвар отахонлар билан ҳамиша фахрлансак арзийди.

Х. ЙЎЛДОШЕВ,
ўқитувчи.

Замира Мусаева Бўка районидаги К. Маркс номли колхозининг илғор сут соғувчиси. Ленин комсомолининг шонли 60 йиллик юбилейи арафасида донгдор сут соғувчи суръатга-суръат қўшиб янада унумли меҳнат қилмоқда. У зарбдор йилда ўзига бириктирилган соғин сигирларнинг ҳар биридан 4 минг килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олган.

И. Тўлисбоев фотоси.

ЭРГАШ КАМОЛОВнинг машина рулига ўтиргаанига кўп бўлгани йўқ. Лекин ўткир йигит қисқа вақт ичида «зангори кема»ни бошқариш сирларини пухта ўрганиб, ўзига ойдин йўл очди. Бу йил У Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози далаларида жавлон урмоқда. Мавсумда пўлат этаклардан 100 тоннага етказиб «оқ олтин»ўткишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Комсомол йигит ўз сўзининг устидан чиқмоқда. Суратда: ёш механизатор Эргаш Камолов машина рулида.

О. Қозоқбоев фотоси.

ОЛОВЛАРДА ТОБЛАНГАН

Улуғ Ватан уруши йилларида тошкентлик комсомоллардан 14770 киши фронтга йўл олди. Улар совет халқининг фашизм устидан қозонган Буюк ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар.

Уша оғир йилларда Ўзбекистон Совет Армиясининг арсеналларидан бири бўлиб қолди. Республикамиз фронтга турли қурол-аслаҳа, ўқ-дори, озиқ-овқат жўнатиб турди. Пахтамиз ҳам металл, ёқилғи, нон сингари ғалабага эришишда катта роль ўйнайди.

Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг қўл қовуштирмай ишлаш ва фронтга иложи борича кўпроқ қурол-аслаҳа, ўқ-дори етказиб бериш тўғрисидаги чақириғига жавобан Ўзбекистон комсомоллари фидокорона меҳнат қилдилар. Улар мамлакатимиз жанговар қудратини янада мустаҳкамлашга қаратилган барча тадбирларда актив қатнашдилар.

Комсомолларнинг урушдаги жасорати тўғрисида ган кетганда энг аввало Тошкент педагогика институтининг собиқ студенти радист Елена Стемпковская кўз олдимизга келади. Қаҳрамон қиз немис-фашистлар қўлига тушиб қийноқ ва азобга солинса ҳам душманга ҳеч нарса демади. Тонгга яқин фашистлар унинг қўлларини чопиб, қўйиб юбордилар. У оғир азобда ўзини йўқотиб қўймади. Аксинча ғалабамизга бутун қалби билан ишонди. Стемпковская ўзини қурбон қилиб, жанговар операция амалга оширилишини таъминлади. Унинг вафотидан сўнг Еленага Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Фронт ортида қолган комсомоллар Елена Стемпковская жасоратига муносиб бўлдилар. Улар ғалабани таъминлаш учун жуда катта ташкилий ишларни олиб бордилар. Шаҳар комсомол комитети пленум ва бюроларида комсомол ташкилотларининг уруш йилларидаги фаолияти бир неча марта кўриб чиқилди. Комсомол ва ёшлар корхоналарда меҳнат қилдилар ва қурилишларда қатнашдилар. Тошкентлик комсомоллари Ўзбекистон металлургия заводи, Фарҳод гидроэлектростанцияси, қуйи Бўзсув, Салор, Товоқсой ГЭСлари қурилишларида учратиш мумкин эди.

Фарҳод ГЭСи қурилишида катта қийинчиликлар бўлишига қарамай ёшлар кундалик норманя 300—400 процент қилиб бажаришарди. «Автотрактордеталь» заводининг ишчиси Кузьмина, Октябрь революцияси номли завод ишчиси Кузнецовалар ўз нормаларини 600—800 процентдан ошириб бажарардилар.

1942 йилнинг июль ойида «Ташсельмаш» заводи комсомоллари пландан ташқари қурол-аслаҳа ишлаб чиқардилар. Октябрь революцияси номли заводнинг ёшлар фронт бригадалари эса планга қўшимча равишда бронепоезд қуриб урушга жўнатдилар. Тошкент шаҳри Октябрь райони комсомолларининг кучи билан 1944 йилда иккита санитар поезди ташкил этилди.

Тошкент комсомоллари кўпгина янги ташаббусларни кўтариб чиқдилар. Улар республика ёшларига мурожаат қилиб, танк колоннасиқурилишига маблағ тўплашни таклиф этдилар. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети маъқуллаган бу ташаббус республикамизнинг барча бурчакларида қўллаб-қувватланди. «Ўзбекистон комсомоли» танк колоннаси қурилишига шаҳар комсомоллари 44 минг сўмдан ортиқ маблағ қўшдилар.

1943 йилнинг 19 майида озод қилинган Сталинградни қайта тиклашга 60 комсомол аъзоси йўл олди. Улар Сталинградга бир вагон озиқ-овқат, мактаблар учун жиҳозлар, 2000 томдан иборат кутубхона, болаларга кийимкечак ва ўйинчоқлар ҳам олиб бордилар.

Совет кишилари завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда ҳар қандай қийинчиликларга қарамай меҳнат қилишар ва шу билан Қизил Армияга душманни тор-мор қилишга ёрдам беришарди. Ўз Ватанини чексиз муҳаббат билан севган ишчи ва деҳқонлар, зиёлилар мудофаага қўшимча маблағ ажратиш мақсадида алоҳида халқ фондини ташкил этишни таклиф қилдилар. Шу мақсадда кенг миқёсда якшанбаликлар ўтказила бошланди. Уларда ҳам ёшлар ўрнак кўрсатиб меҳнат қилдилар. Екатерина Баршинникова ташаббуси билан комсомол-ёшлар бригадалари ташкил этила бошлаганда Тошкент шаҳар комсомол ташкилоти республикада биринчи бўлиб бу ажойиб ташаббусга қўшилди. Тез орада комсомол-ёшлар бригадалари тузила бошланди. 1943 йилнинг апрелида шаҳарда 280 комсомол-ёшлар бригадаси бор эди. Ёш стахановчилар сони ҳам кундан-кунга кўпайиб борди, комсомоллар ўз бригадалари билан бирга алоҳида фронт ҳисобини очишди. 1945 йилнинг апрелига келиб шаҳарда комсомол-ёшлар бригадаларининг сони 837 тага, улардаги ёш ишчилар эса 5964 кишига етди.

Шаҳар саноат корхоналари ёшлари Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришга катта ёрдам кўрсатдилар. Тошкентлик комсомоллар ташаббуси билан бир неча марта рейдлар ўтказилди. Буларнинг натижасида қишлоқ хўжалик машиналари учун жуда кўплаб деталлар, запас қисмлари тўпланди.

Уруш йиллари хотин-қизларимиз ўз оталари, ака-укалари, турмуш ўртоқлари ўрнига ишлаб чиқаришнинг энг қийин участкаларида меҳнат қилдилар.

Тошкентлик комсомол қизларнинг ватанпарварлик чақириғини юзлаб ва минглаб тенгдошлари қўллаб-қувватладилар. Тошкентнинг ўзидан 400 қиз шахтага йўл олди.

Уруш йиллари Ленин комсомоли учун унинг кураш ва меҳнат фронтидаги фаолияти учун асосий синов даври бўлди. Комсомолнинг кучи ва ташкилотчилиги имтиҳондан ўтди.

Шаҳар комсомол ташкилоти Коммунистик партия ва шаҳар партия комитети раҳбарлигида Советлар мамлакати ёшлари олдидаги ўз интернационал бурчини шараф билан бажарди. Фронтга республикамиздан 16,5 минг комсомол аъзоси жўнаб кетди.

Шаҳар комсомоли Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Е. Стемпковская, С. Абдуллаев, В. Малясовлар билан бир қаторда фронт ортида жасорат кўрсатиб ишлаган минг-минглаб йигит-қизлари билан ҳаҳ фахрланади.

А. АБДУҚОДИРОВ,
область партия комитети партия архиви мудири,

Ҳ. ТУРДИЕВ,
область партия комитети партия архивининг илмий ходими.

ҚЎЛЛАРИ ГУЛ

ШАҲРИМИЗ кўчалари бўйлаб турна қатор тизилиб турган биноларга қараб Ҳакимжон қурувчилик касбини танлаганлигидан мамнун бўлиб қўлди. Кечагина бўм-бўш ётган жойларда бугун кўп қаватли турар-жойлар кўкка бўй чўзиб турибди. Уларда Ҳакимжоннинг ҳам ҳиссаси бор. У гишт терувчилар комсомол-ёшлар бригадасига раҳбар. Бригада коллективи ҳозир навбатдаги 32 квартирали бинони қўлдан чиқаряпти.

— Биз Злобин методини пухта эгаллаб олганмиз, — дейди у. — Шу боисдан ҳам бу бинони муддатидан 15 кун олдин пардозловчиларга топширишга муваффақ бўлдик.

Шаҳардаги кўпгина биноларда Ҳакимжон Юсупов бошлиқ коллективнинг қўл излари бор. Улар 159-қурилиш трести 10-бошқармаси бинокорлари ўртасида бошланган мусобақада доимо олдинги ўринларда келишяпти. Гуманитар фанлари ўқитувчилар малакасини ошириш институти, сув хўжалиги министрлиги биносини қуришда ҳам улар муваффақиятли ишлашган эди. Комсомолнинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган шанбалик ва якшанбаликларда 2 минг сўмлик иш бажаришди.

Ёшлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларини ҳам оширишмоқда. Комсомол аъзоси А. Содиқов Тошкент политехника институти қурилиш факультетининг кечки бўлимида билим оляпти.

Қурувчилар ишининг ниҳояси кўринмайди. Улар ҳозир Юнусобод массивига кўчишган. Бу ерда ҳам 48 квартирали бино қуришмоқчи. Ҳозир пойдеворлар қазилиб, бетонлар қуйилмоқда. Хадемай гишт териш ишлари бошланиб кетади. Ушанда Ҳакимжон бошлиқ коллектив яна зўр беради. Комсомолнинг 60 йиллигини ёш коллектив ёруғ юз билан кутиб олади.

Абдурашид АБДУМАЖИДОВ,
159-трест 10-қурилиш бошқармаси комсомол комитетининг секретари.

Суратда: 159-қурилиш трестига қарашли 10-бошқарманинг Ҳакимжон Юсупов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ПАХТАЗОР—ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

ЗАРБДОР ЙИЛ ОДИМЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати	103	108	108
Ўзбекистон ССР Енгил саноати	103	107	103
Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати	102	98	99
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати	102	103	100,9
Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати	105	105	106
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноати	104	109	105
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси	103	103	102
Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети	109	114	111

Қуйидаги маълумотлар Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бўйича маҳсулотни реализация қилиш тўққиз ойлик планининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини кўрсатиб турибди:

	Маҳсулот реализация қилиш тўққиз ойлик планининг бажарилиш проценти	1978 йилнинг тўққиз ойида 1977 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида — ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Қорақалпоғистон АССР	101	103	102
Андижон области	104	97	95
Бухоро области	103	109	103
Жиззах области	99,9	97	94
Қашқадарё области	99,6	97	97
Наманган области	104	108	106
Самарқанд области	102	106	105
Сурхондарё области	105	95	94
Сирдарё области	100,4	98	96
Тошкент области	103	101	100,1
Фарғона области	102	106	103
Хоразм области	95	112	95
Тошкент шаҳри	103	107	105

Умуман республикада саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	1978 йилнинг тўққиз ойи мобайнида ишлаб чиқарилган	1978 йилнинг тўққиз ойида 1977 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергия—миллиард киловатт-соат	25,0	96
Минерал ўғитлар (шартли бирликларда)—минг тонна	4504	105
Моногидратдаги олтингугурт кислотаси — минг тонна	1123	117
Синтетик смола ва пластмассалар — минг тонна	23,7	118
Синтетик ювиш воситалари — минг тонна	19,7	111
Кўч трансформаторлари — минг киловатт-ампер	4856	102
Бронекабель — минг километр	14,7	108
Компрессорлар—дона	4803	104
Тракторлар—минг дона	17,8	99
Трактор прицеплари—минг дона	28,5	102
Трактор культиваторлари — минг дона	15,7	93
Пахта териш машиналари (физик бирликларда) — дона	6724	101
Кўприксимон электр кранлари (махсус кранлар ҳам шу ҳисобга киради) — дона	1001	102
Экскаваторлар — дона	1127	103
Қоғоз — минг тонна	19,6	99,3
Картон — минг тонна	38,8	112
Йигма темир-бетон конструкциялар ва деталлар—буюмларнинг минг кубометри ҳисобида	3280	103
Шифер—миллион шартли плита	188,4	93
Иморатбоп ғишт—миллион дона	1258	99,4
Пахта толаси—минг тонна	1132	97
Ҳом ипак—тонна	1256	107
Каноп толаси—минг тонна	25,5	101
Пайпоқ—миллион жуфт	31,1	106
Ички трикотаж—миллион дона	23,4	103
Устки трикотаж—миллион дона	13,2	104
Чарм пойафзал—миллион жуфт	20,9	103
Гўшт (давлат ресурслари ҳом ашёсидан)—минг тонна	81,4	104
Колбаса маҳсулотлари — минг тонна	34,6	98
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари ҳом ашёсидан) — минг тонна	312,2	110
Мол ёғи (давлат ресурслари ҳом ашёсидан) — минг тонна	7,9	103
Ўсимлик мойи (давлат ресурслари ҳом ашёсидан) — минг тонна	316,5	99
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	88,2	110
Консервалар—миллион шартли банка	494	101
Рўзғор холодильниклари — минг дона	63,3	110
Мебель—миллион сўмлик	75,3	109
Чинни-фаянс идишлар — миллион дона	42,8	122

Машинасозлик маҳсулотларининг бир қанча турлари, шунингдек халқ истеъмол қиладиган моллар: пайпоқ ва трикотаж буюмлар, чарм пойафзал, мол ёғи, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан кўпайди.

Республика саноатида фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, машина-ускуналар, хом ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ўстириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишлар давом эттирилди. Янги илғор технология жараёнлари ўзлаштирилди, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулотининг таннархини камайтириш, зарур ҳаждаги ва тегишли сифатдаги маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини бажара олмадилар. Йилдан йилга туширилган айрим қувватлар секин ўзлаштирилди ва шу қувватлардан тўла-тўкис фойдаланилмади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Пахтакорларга медицина, савдо, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш Ўрта Чирчиқ районя хўжаликларида яхши йўлга қўйилган. У ерда тузилган махсус автопоезд ҳар куни бир неча хўжаликларда бўлиб, пахтакорларга хизмат кўрсатяпти. Суратларда: (юқоридан пастга) автомагазин «Ленин йўли» колхози пахтакорлари ҳузурида; маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгараги-нинг қатнашчилари шу колхоз дала шийпонида.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).

ОҚ РАНГЛАР ҚУШИҒИ

Ассалом, оқ тонгим, пок дилим, дилбар наҳорим. Мунчалар сулув, мунчалар бебаҳосан. Илк ишванг билан уйғонган элим кўзида янада порлоқ, кўркамроқ жилоланасан. Ана, кўкда Ҳулкар-у, ерда ҳур қизлар. Юлдузлардан ажратиб бўлмайди бу диларомларни. Оппоқ тонг шуларга мафтунмикан, ё қизлар тонгами: йўқ, йўқ, қани кузатайликчи, улар нима билан машғул экан... О, айтмадимми, шўх, қоши қалам қизлар оқ тонглар оғушида оқ пахтага ошиқ бўлишган, тонг эса қизларга. Ажабо, пахтазор «кема»лари штурвалига ўтириб «оқ ранглар» қўшиғини айтаётган турсунойлар меҳнат шодиёнасини тўлиб-тўлиб куйлашарди:

Оқ рангли «оқ олтин»лар,
Термулиб кўзинг чақнар.
Териб яйрар кўнгиллар,
Қўшиқ айтади қиллар.

Ҳа, ҳамма нерса: меҳрибон она жажжи фарзандининг табассумидан тортиб, қуёшнинг жилвагар ёғду сочишигача, чаноқлардаги зар толаларнинг қумушдек товланишигача оппоқ тонг пайтидагидек гўзал.

...Турсуной Охунова, Тўхтахон Қирғизбоева, Ортиғой Шералиевалар бошқараётган «зангори кема»лар шиддат билан пахтазор оралаб кетмоқда. Зум ўтмай, оқ ранглар ичидан уни ажратиб бўлмай қолади. Оқ ранглар оламни чулғаб олган бўлса не ажаб... 5 миллион 700 минг тоннанинг салмоқдор хирмонига ўз баракасини тўкаётган «пахтазор маликаси» — Турсуной кўз ўнгида келинлик либосини кийган биринчи тўй кечаси гавдаланиб кетди. Олча гулларидек оқ шойи куйлаги, ўзбек қизларига хос нозик табассуми, гилосранг лабларига, жуда-жуда ярашарди. Ўшанда кўзларига олам тераётган пахтаси каби оппоқ, беғубор кўринганди.

Тўйга келган меҳмон аёлларидан бири келин билан кўришаётиб шундай деганди:

— Худди пахтазор маликаси-я, келинчагимиз, қаранглар бошдан оёғи оқ матодан, рухсат берсанглар, шу бугундан исмини Малика деб қўйсак. Йиғилганлар ярим ҳазил, ярим чин бу гапдан завқланиб кулишганди. Шушу Турсуной — «пахтазор маликаси» бўлиб қолди. Энди уни танимаган одам топилмайди. Малика ва маликалар оқ ранглар мафтун, улар ранглар қўшиғига қулоқ тутадилар. Бу қўшиқ илҳом бағишлайди, пахтазорга чорлайди.

Нима дедингиз, рангнинг ҳам қўшиғи бўладими, дегандек бўлдингиз шекилли, эҳе, рангларда бўлсин-да, ҳамма куй-қўшиқ. Агарда ранглар «сир»ли куйларга мойил бўлмаганда Ғарб Рафаэлни, Шарқ эса Беҳзодини дунёга танитмаган бўларди. Пахтазор маликалари-ю, баҳодирлари элимизга шундай бир ажойиб рангни танитиб қўйдиларки, биз уни умрбод ёдимизда сақлаймиз. Кўзимизга суртамиз, кафтимизда тутамиз. Бу ранг-оқ пахтанинг ранги.

Ҳув, ана, икки томони мавжланаётган денгизга ўхшаган оппоқ пахтазор бўйлаб бир онахон бормоқда. Дока рўмоли ҳам пахтадек оппоқ. У йўл-йўлакай онда-сонда тўкилган оқ толаларни йиғиб бораркан, рухида аллақандай ўзгариш сезиларди. Онахон ўзи билан ёнма-ён бораётган пахтакор йигитга қараб-қараб ҳарзамон-ҳарзамон оқ пахтани тўйиб-тўйиб ҳидлаб кўяр-ди.

— Кечирасиз, болам, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ўғлим ёдимга тушиб кетди. У худди сизга ўхшаб пахтакор, деҳқон эди. Сталинград мудофаси учун бўлган жангларда дом-у дараксиз ҳалок бўлди. Шундан буён ҳар пахта мавсуми далада бўламан. Ёшим саксон бешда. Ҳеч ким пахта теринг демайди-ю, ўзимга хумор қиладн. Оқ ранглари кўрганимда, пахтазорга термулганимда худди ўғлим гавдалангандек, гўё мен билан сўзлашаётган каби пахталар сехрли товланади. Пахтазорда, ҳақиқатан, ўғлим, сиздек азамат ўғилларим меҳнат қилиб, тер тўкмоқда. Демак, ўғлим ҳамон тирик, — дея кўзларидаги бир-икки томчи қалқиган ёшларни оҳиста оппоқ, доҳа рўмоли учлари билан артди. Бир қўли билан қозиргина ердан териб олган бир ҳовуч пахтани бағ-ригга маҳкам босди.

Ҳа, она фарзандини суяди, фарзанд эса онани, «оқ олтин» ҳам пахтакорга фарзанд. Пахтани дил-дилидан севиб ардоқлайди.

Сутдек оппоқ пахтазор, осмонўпар хирмонлар барпо қилаётган республикамиз олтинпаз-ларига офарин! Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхозимиз пахтакорлари-ю, баҳодирлари элимизга шундай бир ажойиб рангни танитиб қўйдиларки, биз уни умрбод ёдимизда сақлаймиз. Кўзимизга суртамиз, кафтимизда тутамиз. Бу ранг-оқ пахтанинг ранги.

Ҳув, ана, икки томони мавжланаётган денгизга ўхшаган оппоқ пахтазор бўйлаб бир онахон бормоқда. Дока рўмоли ҳам пахтадек оппоқ. У йўл-йўлакай онда-сонда тўкилган оқ толаларни йиғиб бораркан, рухида аллақандай ўзгариш сезиларди. Онахон ўзи билан ёнма-ён бораётган пахтакор йигитга қараб-қараб ҳарзамон-ҳарзамон оқ пахтани тўйиб-тўйиб ҳидлаб кўяр-ди.

— Кечирасиз, болам, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ўғлим ёдимга тушиб кетди. У худди сизга ўхшаб пахтакор, деҳқон эди. Сталинград мудофаси учун бўлган жангларда дом-у дараксиз ҳалок ортади, — оқ ранг-юрак кўримиз билан йўғрилган пахтамиз, тинчлигимиз, баракамиз, — дейишади Назарали Ниёзов номли колхознинг илғор теримчилари Суркатой Умурзоқова билан механизатор Маҳамат Қорабоевлар. Суркатой долзарб дамларда олтин қўлларида 7,5 тоннадан ошириб «оқ олтин» терган бўлса, Маҳаматжон «пўлат отидан» шу кунгача 100 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўқди.

Оқ ранглар, боқсанг кўзинг қамашади, тарсанг меҳринг ошади. Бу ранг ҳалол меҳнат нашъасининг қут баракаси, тузи, нони.

«Оқ олтин»дай оқ
дастурхоним,
Нози-неъмат мўл-кўл бунда.
Ҳалол меҳнат, меҳр,
ифтихорим,
Дўстлик, тинчлик байрамдир
кунда.

Марра яқин, марра яқинлашмоқда, «оқ олтин»лар ҳали беҳисоб. Пахтазор баҳодири-ю маликаларининг қўлида-ги қўлига тегмайди. Улар оқ ранглар қўшиғини куйлай бошлашганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Пахта майдонлари ҳамон «оқ ранг»лар қўшиғини мароқ билан куйлашаётир. Биз эса уларнинг гулгун чеҳраларидан, чаққон қўлларини, қўшиқ айтаётган дилбар овозларини шундай эътибор, меҳр билан эшитиб, кўриб турибмиз. Пахтазор илғорлари, даврага бир зум келинг, ўзингиз хирмон қилаётган оқ пахталарга назар солинг! Улар замирида олам-олам «оқ ранг» қўшиғи намоён бўлмоқда. Бу куйни сиз бунёд этмоқдасиз. У шунчалар майин, шунчалар ёқимлики, уни фақат ўзингиз ижод қилгансиз, таъзим сизга «оқ ранг» яратувчилар! Пахтазор узра маънодор, қудратли қўшиқ янграмоқда. Бу қўшиқ муаллифлари пахтакор мард-у майдонлардир.

Арофат НОСИРОВА.

Александр Степанович АБДАЛИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Александр Степанович **Абдалин** узоқ давом этган касалликдан сўнг 1978 йил 23 октябрда вафот этди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ фарзанди, истеъдодли ташкилотчи, толмас меҳнатчи, сезгир ва меҳрибон ўртоқ орамиздан кетди.

А. С. Абдалин 1906 йил 25 декабрда Саратов область Балашов районидаги Хмелинка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1922 йилда ишчиликдан бошлади. 1923 йилда комсомол сафига кирди, 1930 йилдан буён КПСС аъзосидир.

А. С. Абдалин Ўзбекистон ССРда раҳбар партия ва совет ишида 40 йилдан кўпроқ хизмат қилди, шу жумладан сал кам 13 йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида инструктор, бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири бўлиб ишлади. Фарғона ва Тошкент область партия комитетларининг иккинчи секретари қилиб сайланди. 1963 йилдан буён Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

А. С. Абдалин ўзининг толмас фаолияти, зўр ташкилотчилик қобилияти, кишиларга нисбатан сезгир муносабатда бўлиши, принципиаллиги ва ғоят камтарлиги туфайли республика меҳнаткашлари орасида жуда катта обрў-эътибор қозонди. У социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида, партия юборган, коммунист қалби чорлаган ҳамма жойда бутун куч ва билимини сарфлаб, фидокорона меҳнат қилди.

А. С. Абдалин ўзининг амалий ишини кенг кўламдаги жамоатчилик фаолияти билан бирга қўшиб олиб борди. У бир неча бор Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди, III—IX чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати бўлди, кейинги йилларда табиатни муҳофаза этиш республика жамиятига бошчилик қилди.

Партия ва ҳукумат А. С. Абдалининг хизматларини юксак баҳолади. У Октябрь революцияси ордени билан, бешта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари ҳамда кўпгина медаллар билан мукофотланди.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, отаҳон коммунист ва ватанпарвар, толмас меҳнатчи ва дилкаш инсон Александр Степанович Абдалининг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. М. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, С. Х. Сирожиддинов, К. Рзаев, Ҳ. М. Пўлатова.

КАТТА ЗАФАР

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини оғишмай амалга оширишуқ учун курашаётган Ғалаба районидаги «Победа» колхози областда биринчи бўлиб маррага етган, ҳар гектар ердан 37,6 центнердан «оқ олтин» топшириб, планни ортиғи билан адо этганди.

Колхозчилар эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 46 центнердан-га етказишга сўз беришган эди. Аҳдига вафодор деҳқонлар бу сўзларининг ҳам устидан чиқишди. Давлатга салкам 2 минг тоннага яқин пахта сотилди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортларга қабул қилинди.

Колхозчилар машина теримига зўр бериб, бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ҳар бир теримга агрегатининг тўла қувват билан икки сменада ишлаши таъминланди. Шу туфайли кўпгина механизаторлар зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Ғани Нурмуҳамедов, Афанасий Ким, Узоқбой Нишонов каби механизаторлар бункерлардан 150—190 тоннадан пахта тўқишди.

Петр Ким, Григорий Ким, Владимир Дугай ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг заршунослари ғайрат билан меҳнат қилишиб, ҳар гектар ердан 50-55 центнердан хирмон кўтаришга эришдилар.

Ҳали далада ҳосилнинг чўғи мўл. Колхозчилар республика партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатига амалий жавоб бериб, «оқ олтин» дурдоналарининг бир граммини ҳам нес-побуд қилмай тезда йиғиштириб олиш учун астойдил курашмоқдалар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 23 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — дағал хашак тайёрлаш топшириғи, учинчи устун — тайёрланган дағал хашак (минг тонна ҳисобида), тўртинчи устун — дағал хашак тайёрлаш топшириғининг бажарилиши (процент ҳисобида), бешинчи устун — ўт уни ишлаб чиқариш, олтинчи устун—силос бостириш.

Калинин	45,0	46,2	103,0	101,0	98,0
Оҳангарон	100,0	90,9	91,0	100,0	96,0
Тошкент	40,0	35,0	88,0	100,0	94,0
Чиноз	78,0	61,7	79,0	110,0	88,0
Оққўрғон	50,0	39,3	79,0	100,0	101,0
Ўрмонистон	43,0	33,5	78,0	88,0	92,0
Ғалаба	79,0	58,7	74,0	102,0	92,0
Бекобод	65,0	47,8	74,0	101,0	100,0
Пискент	44,0	32,3	73,0	100,0	78,0
Бўка	58,0	40,4	70,0	92,0	117,0
Коммунистик	100,0	69,4	69,4	92,0	99,0
Ўрта Чирчиқ	67,0	46,2	69,0	102,0	90,0
Янгийўл	51,0	35,1	69,0	82,0	99,0
Бўстонлиқ	80,0	52,2	65,0	100,0	102,0
Область бўйича:	900,0	688,7	77,0	107,0	103,0

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

«Далварзин» мотор-ремонт заводи коллективи маҳсулот реализация қилиш уч йиллик мажбуриятларини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунига бажаришга ваъда берган эдилар. Ваъдага вафо қилинди. Мажбуриятдаги 5 миллион 343 минг ўрнига 5 миллион 620 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Уч йиллик мажбуриятдан аввал адо этилди.

Коллектив меҳнат аҳли йил охиригача яна 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга аҳд қилди.

БОЛГАР ДЎСТЛАР—МЕҲМОНИМИЗ

Илгари хабар берилганидек, Болгария Халқ Республикаси Хасково округи бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларидан бир группаси областимизда меҳмон бўлиб туришибди. Улар Ғалаба районидаги Димитров номли колхозда бўлишди, областимиздаги қатор саноат корхоналарини бориб кўришди.

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида қардошлик учрашуви айниқса қизиқарли ўтди. Хасковолик меҳмонлар Ленин комсомолининг 60 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиб, Чирчиқ комсомолининг кўп минг кишилик жанговар отрядининг вакиллари бўлмиш ёш ишчилар, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорларини қутладилар. Бу учрашув совет-болгар дўстлиги кечасига айланиб кетди. Болгариядан келган меҳмонлар — «Зорница» рақс ансамбли мезбонларга ўз санъатларини намойиш этдилар. Чирчиқлик бадиий ҳаваскорларнинг тароналари болгар куй ва қўшиқларига уланиб кетди. Хасковолик меҳмонлар рус тилида ижро этган Тошкент ҳақидаги қўшиқни йиғилганлар айниқса қувонч билан қутиб олдилар.

СУРАТДА: болгар меҳмонлар Чирчиқ кимёгарлари ҳузурида.

А. Мальцев фотоси.

ЛАУРЕАТЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ТОШКЕНТ область комсомол комитети қарори билан қуйидагилар адабиёт, санъат, журналистика ва бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида 1978 йилги Тошкент область Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлдилар.

АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА

УСМОНОВ Эмин — ёзувчи, ёшларни табиат ва атроф муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга ёрдам берувчи ҳозирги замон ёшларининг ёркин образлари яратилган «Ниҳоллар», «Сени ўйлайман», «Меҳригиё» китоблари учун.

ПЎЛАТОВ Будир — «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг катта мухбири, Тошкент области ёш ишлаб чиқарувчиларига бағишланган материаллар, жумладан, «ВЛКСМ XVIII съезди қарорлари — ҳаётга!», «Биз ватанпарвар интернационалистларимиз», «Комсомол ташкилотлари ҳаётидан», «Ёшлар — келажагимиз», «Комсомол хроникаси» рубрикалари остида чиққан материаллар туркуми учун.

МУЗИКА ВА КОНЦЕРТ ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА

СОЛИҲОВ Улуғбек — композитор, эстрада ашулалари туркумини яратганлиги ва музика-жамоатчилик ишида актив иштироки учун.

Узбекистон телевидение ва радиосининг Узбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артист Евгений Живаев раҳбарлигидаги эстрада-симфоник оркестри — Узбекистон ва қардош республикалар композиторлари асарларини фаол пропаганда қилганлиги, республика корхоналарида ва мамлакатнинг Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишларида берган оталиқ концертлари учун.

РЎЗИМАТОВ Санъат — Узбекистон телевиденниесининг музикали программалар бош редактори. Ёшларда эстетик ва юксак ахлоқий туйғуларни тарбиялашга ёрдам берадиган «Марҳабо, талантлар», «Қўйланг, ёш хонандалар», «Чашма», «Доира рақсга чорлайди», «Уларнинг истеъдоди — музика» туркумидаги эшитиришлар ва конкурслар тайёрлашдаги катта хизматлари учун.

ТЕАТР САНЪАТИ ВА КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИДА

МАҲБУБОВ Шавкат — «Узбекфильм» студиясининг режиссёри. Ёшлар ҳақида «Комсомол — менинг ёшлигим», «Мен — раққосаман», «Раъно Каримова рақсга тушади» телевизион фильмлари ҳамда Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари ҳақида яратган фильмлари учун.

БАДИИЙ ИЖОДКОРЛИК СОҲАСИДА

ЕРЛАҚАБОВ Ҳакимжон — Янгийўл район маданият уйи мақомчилар ансамблининг солист-вокалисти. Юксак ижрочилик маҳорати, турли хил область, республика кўрик-конкурсларида, бадиий ҳаваскорлик фестивалларида эришган ижодий ютуқлари учун.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Оққўрғонлик пахтакорлар бу йил она Ватанга 66,5 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар. Пахтакорлар қатори маданият ходимлари ҳам етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Дала шийпонлари, маданият уйларида санъаткорларнинг чиқишлари уюштирилмоқда.

Районда 21 клуб, 44 кутубхона, 4 та маданият уйи ишлаб турибди. Клуб ва маданият уйларида 1600 дан ортиқ бадиий ҳаваскор шуғулланади. Ҳозир улар ҳам бевосита далаларга чиқиб куй ва қўшиқлар билан пахтакорлар кўнглини шод этмоқдалар.

ЁШЛАР СЕВГАН ТЕАТР

ТЕАТР очилган кун ёш драматург Максим Каримовнинг «Дийдор» драмаси биринчи бор саҳна юзини кўрган эди. Ўшандан бери орадан ўн йил вақт ўтди. Бу орада «Ёш гвардия» театрининг ижодий коллективи 30 дан ортиқ янги спектакларни саҳнага қўйди.

Шуҳратнинг «Беш кунлик куёв», Ўлмас Умарбековнинг «Оқар сувлар», Ўткир Ҳошимовнинг «Ҳазон бўлган баҳор» драмалари ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда катта роль ўйнади.

Ижодкорлар қардошлар адабиётига тез-тез мурожаат қиладилар. Рус, белорус, қирғиз, тожик драматурглари-нинг асарлари ҳам театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олган.

«Ёш гвардия» театри Ленин комсомолининг 60 йиллиги шарафига ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Жўра қишлоқ» қиссаси асосида тайёрланган спектаклни саҳналаштирмоқда.

БАЙРАМ ГУЛДАСТАСИ

Ҳозир барча жойларда Улуғ Октябрнинг 61 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходимлари байрам арафасида янги гулзорлар яратишмоқда. Пойтахт ҳиёбонларига тувакларда 50 минг туп турли хил гул экилади. Уларнинг ҳаммасини Тошкентдаги манзарали боғдорчилик совхози етказиб беради.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Реклама ва эълонлар

УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26—27 октябрь соат 19.30 да

Узбек давлат филармонияси артистларининг

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Фахриддин УМАРОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Ҳасан КАРИМОВ, Исмоилжон ТУРДИАЛИЕВ, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА.

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

КАРИМА УЗОҚОВА

Интермедия ва юморда — Абдуфаттоҳ САИДОВ.
Оригинал жанрда — Саттор ИСЛОМОВ.
Узбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Узбекистон халқ артисти Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

КУЙБИШЕВ ШАҲРИДА

15 НОЯБРДА

1966 йилги Давлат 3 процентли ютуқли заёми бўйича

99-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ютуқлар 40, 100, 500 1000, 2500, 5000 сўмдан қилиб белгиланган.

Заём облигациялари 10 ва 20 сўмлик қилиб чиқарилган.

10 сўмлик облигацияга ютуқнинг ярми тўланади, Ҳар бир миллион сўмга 512 минг, 560 сўмлик 9 минг 400 та ютуқ ўйналади.

Заём облигациялари ҳамма омонат кассаларида сотилади ва сотиб олинади.

Давлат 3 процентли заём облигацияларини сотиб олинг!

АВТОХУЖАЛИҚЛАР ВА ҚОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

1 НОЯБРГАЧА

«Облсельхозтехника»нинг

Тошкент районлараро савдо базасида

АВТОПАРКЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШЛАРИ ЗАРУР

Хўжаликда 50 тагача автомашина бўлганида машина парки ҳақидаги маълумот билан бирга машиналарнинг техник паспортини ҳам бериш лозим; автомашиналар 50 тадан кўп бўлганда маълумотлар юқори ташкилотлар ва ГАИ органлари томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Шунингдек, сотилиши лозим бўлган ортиқча эҳтиёт қисмларининг рўйҳати ҳам тақдим қилиниши зарур.

Кўрсатилган муддатгача ўз автотранспортларини руйхатдан ўтказмаган ташкилотлар 1979 йилда эҳтиёт қисмлари билан таъминланмайдилар.

ЎЛКАМИЗ ХАЗИНАСИ

Моддий ва маданий бойликлар сақланадиган музейлар халқимизнинг қутлуғ зиёратгоҳларига айланган. Уларнинг экспозицияларини ҳар куни минглаб томошабинлар кўришади.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, Санъат музейи, Узбекистон халқлари тарихи музейлари шулар жумласидандир.

Республикамиз области, шаҳар, районларидаги музейларни айтмайсизми? Уларда халқимиз ўтмиши, бугунги фаровон ҳаёти ёркин ифодасини топган.

Куни кеча УзССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти босмадан чиқарган «Узбекистон музейлари» китобида ана шу ҳақда фикр юритилган.

Академик М. Т. Ойбек номидаги Узбекистон халқлари тарихи музейи ходимлари Ҳ. Содиқов ва Е. Цой томонидан тайёрланган бу китобда республика музейлари тармоғининг ташкил топганидан то бугунги кунгача ривожи ёритилган. Тарихий-революцион, санъат, бадиий, ёдгорлик ва халқ музейлари каби маданий ўчоқларнинг иш фаолияти, экспозициялари ҳамда ноёб коллекциялари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилади.

Китобда областимиз районларидаги мавжуд меҳнат шон-шуҳрати музейлари ҳам ўз ифодасини топган.

Китоб УзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори Нафиса Содиқованинг таҳрири остида рус тилида нашр қилинган.

М. ЗАРИПОВ.



ОЛТИН КУЗ МАНЗАРАЛАРИ

БАЛИҚ ОВИДА.

УЗУМ ПИШИҒИ.

ОППОҚ ҒОЗ — ЧАШМАСИ СОЗ.

Х. Мирзакаримов фотоэтюдлари.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

БУДАПЕШТ, 23 октябрь. (ТАСС). Бу ерда социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетларининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Буй Куанг Тао; Германия бирлашган социалистик партиясидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Х. Долгус; Куба коммунистик партиясидан — Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Х. Камачо; Лаос халқ революцион партиясидан — ЛХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Фуми Воигвичит; Монголия халқ революцион партиясидан — МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари С. Жалан Ажав; Польша Бирлашган ишчи партиясидан — ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Немет; Вьетнам коммунистик партиясидан — ВКП Марказий Комитетининг аъзоси, ВКП Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Буй Куанг Тао; Германия бирлашган социалистик партиясидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Х. Долгус; Куба коммунистик партиясидан — Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Х. Камачо; Лаос халқ революцион партиясидан — ЛХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Фуми Воигвичит; Монголия халқ революцион партиясидан — МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари С. Жалан Ажав; Польша Бирлашган ишчи партиясидан — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Э. Бабюх, ПБИП Марказий Комитетининг секретари З. Жандаровский; Руминия коммунистик партиясидан — РКП Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Дэскэлеску; Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан — КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов; Чехословакия коммунистик партиясидан — ЧКП Марказий Комитетининг секретари М. Бене қатнашмоқдалар.

Кенгаш ишида қардош партиялар Марказий Комитетлари бўлим мудирлари ва бўлим мудирларининг ўринбосарлари, шунингдек «Проблемы мира и социализма» журнали редакцион коллегиясининг аъзоси Р. Бауэр иштирок этмоқда.

Кенгашни ВСИП марказий комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Немет очди.

КАСАБА СОЮЗ МАРКАЗИНИНГ ЧАҚИРИҒИ

ГАВАНА. (ТАСС). Куба меҳнаткашлари Касаба союз марказининг миллий комитети республика ишчилари ва хизматчиларига мурожаат этиб, 5 ноябрда ўтказиладиган умуммамлакат якшанбалигида актив қатнашишга чақирди. Якшанбалик буржуазия-помешчиклар тузумини йўқотиб, жаҳонда биринчи ишчи-деҳқон давлатини тузган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллигига бағишланади, деб таъкидланади миллий комитетининг мурожаатида.

Куба меҳнаткашларининг актив меҳнати ўлмас Ленин Ватанига ёркин самимий миннатдорчилик ифодаси бўлгусидир.

Якшанбалик, дейилади ҳужжатда Куба халқи учун шонли дамларда — Куба меҳнаткашлари Касаба союз марказининг XIV съезди ҳамда Фидель Кастро бошлиқ кубалик исёнчилар афсонавий «Гранма» яхтасида Куба қирғоғига тушганликларининг 22 йиллиги арафасида ўтказилади.

Миллион-миллион меҳнаткашлар қатнашадиган якшанбалик ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё ва бошқа ресурсларни тежаш учун фидокорона кураш тимсоли бўлиб қолмоғи керак. Якшанбаликни ўтказиш социалистик мусобақани ривожлантиришда, меҳнаткаш омманинг ижодий ташаббусини кўтаришда муҳим босқич бўлиб қолади, дейилади мурожаатда.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПХЕНЬЯН тўқимачилик комбинатининг коллективи йиллик планни муддатидан икки ярим ой илгари бажарди.

Корхонада рационализаторлик ҳаракати кенг авж олдирилганлиги бундай муваффақиятга эришишга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Тўқимачи новаторлар шу йилнинг ўзидагина уч юздан кўпроқ рационализаторлик таклифини киритдилар. Бу таклифларнинг жорий этилиши, ғоят кам чиқим билан машина-ускуналарнинг унумдорлигини анча ошириш имконини берди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон саноат министри Ж. Фернандес Карнатака штатида Бангалура шаҳрида сўзлаган нутқида бундай деди: 1978-79 молия йилида транспорт саноати корхоналарида қарийб 1 миллион киши иш билан таъминланади. Бу эса яқин 10 йил мобайнида мамлакатда ишсизликни тугатиш юзасидан ҳукумат программасини бажариш соҳасида қўйилган қадам бўлади.

● КОТКА. Бу ерда «Империализм жиноятларига чек қўйилсин!, «Чили ва Жанубий Африка халқлари билан бирдаммиз!» деган шиорлар остида намойиш бўлиб ўтди. Намойиш «Финляндия тинчлик тарафдорлари» ташкилотининг ташаббуси билан ўтказилди.

Намойиш қуролланиш пойгасига қарши, АҚШ президентининг нейтрон бомбанинг «асосий компанентларини» ишлаб чиқаришга киришиш ҳақидаги қарорига қарши норозилик митинги билан тугади. Митингда ФКП вице-раиси, парламент депутати Т. Синисало нутқ сўзлади.

● ОСЛО. Мамлакат Марказий статистика бошқармаси хабар қилади: Норвегия ташқи савдо балансидаги камомад шу йил январь ойидан июль ойигача ўтган давр ичида 6,7 миллиард кронадан ошиб кетди.

(ТАСС).

Спорт

ЧЕМПИОНЛИККА БИР ҚАДАМ

Тбилиси динамочилари навбатдаги учрашувда пойтахтнинг Марказий армия спрот клуби футболчиларини 4:1 ҳисобида маглубиятга учратиб чемпионлик марраси сари яна бир қадам ташладилар. Улар қолган уч учрашувда бор йўғи битта очко олишса уларга бирор команда ҳам етаолмайди. Мамлакат чемпионатида олтин медаллар кимга тегиши ойдинлашиб қолган бўлса, кумуш ва бронза медаллари кимга насиб этиши фақат сўнгги турдагина аниқланса керак. Негаки бу ўринлар учун камида учтўрт команда даъвогарлик қилиб турипти. Ана шулардан бири «Черноморец» ўтган куни пойтахтда «Торпедо» билан учрашиб 2:0 ҳисобида олдинда эди. Лекин автозаводчилар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар. Ўйин 2:2 ҳисобида тугади. Аммо бу дуранг на у командага ва бу командага ғаф келтирди. Иккала команда ҳам дуранглар лимитини тугатишганлиги сабабли очко олишолмади.

«Арарат»ни 3:0 ҳисобида енгган Киев динамочилари очколаркни 34 тага етказиб москвалик клубдошларига етиб олдилар. Шундай қилиб бугунгача 34 тадан очко тўплаган Москва ва Киев динамочилари кумуш медалларга асосий даъвогар бўлиб туриптилар. Шунингдек «Шахтёр» ҳам мукофотли ўринларнинг бирини кўзламоқда.

ДАСТЛАБКИ ОЧКОЛАР

«Қибрай» стадионида футбол бўйича республика чемпионати финал ўйинлари бошланди. Ғолиблик учун икки группада 1—3 ўринларни олган 6 команда баҳслашмоқда. Биринчи кун бўлиб ўтган учрашувлар орасида «Ҳисор» футболчиларининг «Балиқчи» командаси устидан йириқ 4:0 ҳисобида ғалаба қозонганини айтиб ўтиш керак. «Хўжаобод» билан «Соҳибкор» учрашуви 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. «Трактор» эса «Хоразм»дан 0:1 ҳисобида енгилди.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИНГ ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ

Жаҳоннинг 33 мамлакатидан тўпланган энг кучли гимнастикачилар XIX чемпионатни бошлаб юбордилар. Биринчи кунги мусобақалардан сўнг Япония командаси олдинга ўтиб олди. Совет спортчилари иккинчи ўринда боришмоқда. Шахсий ҳисобда ҳам япон гимнастикачилари олдинда. Совет спортчилари Дитятин ва Андриановлар 4—5 ўринларни эгаллаб туриптилар.

ТОШКЕНТЛИК МЕРГАННИНГ МЕДАЛИ

Ашхободда камондан отиш бўйича СССР Кубоги учун ўтказилаётган мусобақаларда тошкентлик мерганлар ҳам иштирок этмоқдалар. М-1 машқида вакилимиз Ольга Рогова 3269 очко тўплаб учинчи ўринни эгаллади ва бронза совриндори бўлди. Яна бир вакилимиз Наталья Бутузова эса шу машқда тўртинчи бўлди. Биринчи кунги мусобақалардан сўнг Узбекистон аёллар командаси пешқадамлик қилаётган бўлса, эркакларимиз ўнинчи ўринда боришмоқда. Аралаш натижага кўра вакилларимиз умумий учинчи ўринни эгаллаб туриптилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Кўнгилли-лар». Бадиий фильм. 11.30 — «Киносаёҳатчилар клуби». 15.05 — «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». 16.00 — «Ҳеч тугамайдиган лицей». 17.10 — «Жонажон табиат». 17.30 — «Фан оламида». 18.00 — «Горнчилар қаердасиз!». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Болаларга аталган шеърлар. 19.00 — «1978 йил қўшиқлари». 19.30 — «Партия йиғилиши». (репортаж). 20.10 — Арфа квартети чалади. 20.20 — «Болакайлар». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Дўстларимиз чеҳраси». 22.45 — «Музикальная жизнь». 23.55 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — «Товуш тўлқинлари». 14.55 — Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Тошкент шаҳар ва Тошкент области комсомол комитетининг Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши. 18.00 — «Шоирлар — болаларга». 18.30 — «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш — даврининг энг муҳим масаласи». 18.50 — Фильм-концерт. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Концерт. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «Дўстлик экрани». 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Пахтазор — мардлар майдони». 22.20 — «Бу Қўқонда содир бўлган эди». Бадиий фильм, 3-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 19.30 — «Актриса». Спектакль. 20.10 — Ўқув кўрсатуви. 20.40 — Фильм-концерт. 20.55 — Янгиликлар. 21.15 — «Бизнинг бош мухбиримиздан». 21.45 Назарий механика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/X да Испан миниатюралари (билетлар сотилган), 26/X да Севги ҳақида қисса,

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/X да Уйланиш, 26/X да Ғаиблар, 27/X да Колинлар кўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/X да Шаҳзода ва етим қиз, 26/X да Ужарлар, 27/X да Йиллар ўтиб.

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/X да Ўқилмаган саҳифа.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Қозоғистон цири артистларининг гастроллари. «Мўъжизалар ўлкаси» (19.30).

ГЎШТ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАРНИ ТУШИРИШ БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНТОРАСИГА

юнчилар, слесарлар, бош бухгалтер, катта юрист-консультант

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 32533; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р—02832. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64584. Д—2509.